



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“24” июль 2021 й. № 01-06/3567

## Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Сўнгги пайтларда интернет ва ижтимоий тармоқларда молиявий пирамидалар кўринишидаги турли фирибгарлик схемаларининг рекламаси кескин фаоллашганлиги кузатилмоқда.

Бунда, молиявий пирамидаларда авалига мўмайгина сармоя киритишингиз зарурлиги тўғрисида эътиборни жалб қилувчи жозибадор рекламалар орқали катта фоизлар ваъда қилинади, сармоянгиз тезда қайтишига ишонтирилади, даромад кўриш учун яқин танишларингизни жалб қилишингиз сўралади, улар ҳам ўз маблағларини ажратиши лозим бўлади.

Ўз навбатида, молиявий пирамида бу пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларни жалб қилиш бўйича ноқонуний фаолият ҳисобланади ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Молиявий пирамидалар кўринишидаги схемаларни аниқлашни бир неча йўллари мавжуд бўлиб, булар, ваъда қилинган юқори даромаднинг хавфсизлик даражаси, фойда олиш кафолатланмаганлиги, жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш учун лицензия ёки рухсатномани мавжудлиги, корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари, статистика ҳисоботлари очик ошкора қилинмайди.

Шунингдек, молиявий пирамидалар кўринишидаги схемаларга сармоя киритиш орқали, гуёки катта миқдорда даромад олган фойдаланувчиларни мисоллари ҳам далил сифатида келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилиқ, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида, Сиздан, товар (иш, хизмат)лар рекламасидан фойдаланганда, айниқса сармоя киритиш эвазига қисқа вақт ичида юқори даромад (фойда) олишга қаратилган таклифлар бўйича шартномалар шартларини диққат билан ўрганиб чиқиш, шартнома тузишга тўлақонли ишонч ҳосил қилинмаганда заруратга кўра ҳуқуқшунос ёки Агентлик мутахассислари билан (1159 қисқа рақами орқали) маслаҳатлашган ҳолда қарор қабул қилишга чақиради.

**Директор**



**Э.Хаитметов**

*Ижр: А.Ахмедов,  
Тел:712074600 (318)*